

Лойдан яралган одамзод

05:00 / 09.03.2017 7992

Инсон танаси... Барча қисмлари ҳозирги кунга қадар ҳам охиригача ўрганилмаган ажойиб, мукамал лойиҳа. Инсон танасининг тузилишини энг замонавий технологик асбоблар ёрдамида ўрганаётган олимлар ақл бовар қилмайдиган кашфиётларга дуч келмоқдалар. Инсон танасидаги тўқималарнинг тузилиши шулар жумласидандир.

Инсон организмидаги тўқималарда 26 хил кимёвий элемент мавжуд. Улардан олтитаси эса бошқаларига нисбатан жуда кўп миқдорда учрайди. Булар - углерод, водород, кислород, азот, фосфор ва олтингугурт моддаларидир. Инсон танасидаги тўқималарнинг 95 фоизини ана шу олти элемент ташкил қилади. Бу эса жуда муҳим бир ҳақиқатни - инсоннинг лойдан яратилганлигини тасдиқлайди.

Модомики, инсон танасидаги тўқималарни ташкил қилувчи барча асосий, неорганик кимёвий элементлар тупроқ таркибида, эркин ҳолатда ёки бирикмалар кўринишида учрайди.

Аллоҳ Таоло биринчи одамзодни - ҳазрати Одам Атони (алайҳиссалом) лойдан ясаган: унга шакл бериб, жон ато этган. Бу мўъжиза қуръони Каримда шундай баён қилинган: **"Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: "Албатта мен лойдан бир одам Яратгувчидирман. Бас, қачон уни тиклаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар!"** Сод сураси, 71-72-оятлар

Бошқа бир оятда Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади: (қасамки), Биз инсонни (яъни, ҳазрати Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик. Мўъминун сураси, 12-оят

Фан эркин ҳолатдаги лой ҳам, инсон организмнинг тўқималари ҳам айнан бир хил элементлардан ташкил топганлигини аниқлади. Замонавий фан томонидан аниқланган бу далиллар ўн тўрт аср аввал Каломуллоҳда нозил қилинган оятларнинг ҳақ эканлигини яна бир карра тасдиқлади.